

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ШЕРЗОД БАХОДИРОВИЧ

**МАТОЛИ КОМПОЗИТЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИЛГАН КЎПРИК
ТЕМИРБЕТОН ТЎСИНЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ахмедов Шерзод Баходирович

Матоли композитлар билан кучайтирилган кўприк темирбетон
тўсинларининг мустаҳкамлиги..... 3

Ахмедов Шерзод Баходирович

Прочность мостовых железобетонных балок, усиленных
тканевыми композитами 25

Akhmedov Sherzod Baxodirovich

Strength of bridge reinforced concrete beams reinforced with fabric
composites..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ШЕРЗОД БАХОДИРОВИЧ

**МАТОЛИ КОМПОЗИТЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИЛГАН КЎПРИК
ТЕМИРБЕТОН ТЎСИНЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари. Кўприklar ва транспорт
тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Г122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб – саҳифанинг www.tayj.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашрабов Анвар Аббасович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович
техника фанлари доктори, профессор

Байбулатов Хайрилла Абсадиқович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 08 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (99871) 232-14-79, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (196 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-79.

Диссертация автореферати 2020 йил «28» 07 кунни тарқатилди.
(2020 йил «4» июл даги 2-рақамли реестер баённомаси).



А.А.Рискулов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.А.Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, PhD, доцент

Н.С.Содиқов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида XX асрнинг 80 – йилларидан бошлаб матоли композит материаллар (МКМ) асосида темирбетон конструкцияларни кучайтириш амалиёти кенг қўлланилиб келмоқда. Кўприкларни меъёрий талабларга риоя қилмасдан сақланиши (музни йўқотиш учун туз сепилиши) арматурада коррозион жараёнларни ривожланишига олиб келди. ASCE (Фуқаролик муҳандисларининг Америка ассоциацияси) 2005 й. ҳисобот маълумотларига кўра АҚШ да деярли 40% автойўл кўприкларда конструктив ва функционал носозликлар мавжуд. Худди шунга ўхшаш вазиятни Ғарбий Европа мамлакатлари, Россия ва Ўзбекистон Республикасида ҳам кузатиш мумкин.

Дунё миқёсида ҳисобий юкларни хавфсиз ўтказиш учун, темирбетон кўприкларни капитал таъмир ёки реконструкция қилишда оралик қурилмаларнинг бош тўсинларини алмаштириш ёки кучайтириш талаб этилади. Темирбетон тўсинларни юк кўтаручанлик қобилятини оширишнинг самарали усули МКМ лар билан кучайтиришнинг замонавий технологиясини қўллаш ҳисобланади. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Швеция, Япония, Ғарбий Европа мамлакатлари, Россия, Канада, Австралия «.... кўприклар, йўл ва бошқа транспорт иншоотларининг умрбоқийлиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи замонавий лойиҳалаш технологиялари ва техника воситаларини қўллаш каби истиқболли йўналишлар орқали амалга оширилмоқда»¹. Шу жиҳатдан темирбетон кўприкларни МКМ билан кучайтириш ва уларни мустаҳкамликка ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Ҳозирги даврда республикамиздаги умумий автомобиль йўлларининг узунлиги 184000 кмни ташкил этади. Бундан, 7114та кўприк ва йўл ўтказгичлар бўлиб, унинг умумий узунлиги 165005 пм ни ташкил қилади. Йилдан йилга реконструкция ва кучайтирилиши лозим бўлган сунъий иншоотларнинг ҳажми ортиб бормоқда. Ягона ва асосий вазифа темирбетон кўприкларнинг тўлиқ ёки қисман таъмирлаб ишга яроқлилигини таъминлаш ҳисобланади. 331 та (7740 пм) кўприкни оралик қурилмаларининг юк кўтарувчанлиги техник талабларга жавоб бермайди, шулардан 144 та (3343 пм) кўприкнинг оралик қурилмаларини тўлиқ алмаштириш, 187 та (4387 пм) кўприкнинг оралик қурилмаларини таъмирлаш, кучайтириш ёки реконструкция қилишни талаб қилади. Конструкцияларнинг узок муддат хизмат қилиши ва уларнинг ноқулай экологик шароитда эксплуатация қилиниши шунга олиб келдики, темирбетон конструкцияларнинг эскириши ва ишдан чиқиши қурилиш тармоғининг жиддий муаммосига айланди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...йўл транспорт, муҳандислик–коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш,...»²

¹Proceedings of the International Conference of “Integrative Risk Mangement Towards Resilient”, Davos, 2016

вазифаси белгилаб берилган. Кўприкларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияга топшириш жараёнларида кўприк оралиқ қурилмаларининг мустаҳкамлигини юқори аниқликда аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш, мавжуд кўприкларни кучайтириш усулини такомиллаштириш мазкур тадқиқот ишининг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ–4035–сон «Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларни жорий этиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 мартдаги 166–сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс–тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд темирбетон кўприк тўсинларини матоли композит материаллар билан кучайтириш ва кучайтирилган кўприк темирбетон тўсинларининг мустаҳкамлиги баҳолаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар қуйидаги мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий–тадқиқот институтларида, жумладан: АСИ 440 (АҚШ), University of Tokyo (Япония), RWTH Aachen University (Германия), VTI Швеция миллий автомобиль йўллари ва транспорт илмий–тадқиқот институти (Швеция), Россия автомобиль йўллари илмий – тадқиқот институти (РосдорНИИ), Москва автомобиль йўллари институти (МАДИ), Қозоғистон автомобиль йўллари илмий–тадқиқот институти (КаздорНИИ), Белоруссия Давлат техника университети (БГТУ), ҳамда Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Темирбетон кўприк элементларини матоли композит материаллар билан кучайтириш ва мустаҳкамликка ҳисоблаш, МКМлар ёрдамида кучайтирилган темирбетон элементларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини тадқиқ қилиш бўйича шуғулланган дунё ва юртимизнинг йирик тадқиқотчилари, жумладан Jayaprakash J., Abdul Aziz A. A., Abang A. A., Khalifa A., Alkhrdaji T., Nanni A., Kong F. K., Mast R. F., Mukhopadhyaya P., Pamalee A. B., Razali M., Chin W. C., Ritchie P.A., Taylor H. P. J., Зайцев Ю.В., Байков В.Н., Берг О.Я., Бондаренко В.М., Гвоздев А.А., Залесов А.С., Яшин А.В., Мамажонов Р.К.,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ашрабов А.А., Ишанходжаев А.А., Раупов Ч.С. ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Темирбетон тўсинларнинг кесилиш зонасини кучайтириш бўйича амалга оширилган тадқиқот ишларининг аксарияти бир томонга йўналтирилган матоли композит материаллардан фойдаланиб бажарилган. Икки томонга йўналтирилган матоли композит материаллардан фойдаланиб бажарилган кучайтиришлар деярли ўрганилмаган. Олиб борилган тадқиқотларда темирбетон элементларга таъсир эгувчи эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш ва қия кесимларда мустаҳкамликка ҳисоблаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий–тадқиқот ишлари режасининг ИТД–16–005: “Рациональное армирование и совершенствование методов расчета прочности и жесткости сейсмостойких железобетонных элементов мостов и сооружений, работающих с трещинами” (2009–2011йй.) ва Ф –4–53 “Расчетные методы и модели в механике разрушения бетона и железобетона” (2012–2016 йй.) илмий–тадқиқот ва фундаментал грантлар доирасида олинган назарий, амалий натижалар асосида шакллантирилган.

Тадқиқотнинг мақсади темирбетон кўприк тўсинларни қия кесимлар бўйича юк кўтарувчанлик қобилиятини ҳисоблаш ва матоли композит материаллар (МКМ) билан кучайтириш усулларини такомиллаштириш ҳамда кучайтирилган темирбетон тўсинларнинг тишлашиш кучи ва бўйлама арматуранинг букилиш самарасини эътиборга олиб юк кўтарувчанлик хусусиятини ҳисоблаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темирбетон (оддий ва МКМ билан кучайтирилган) элементлар мустаҳкамлигини эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида ҳисоблашнинг амалдаги усуллари, ҳамда олдин ўтказилган экспериментал тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилиш;

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш усулини ишлаб чиқиш;

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида қирқилишдаги мустаҳкамлигини баҳолаш учун матоли композит материаллар билан кучайтирилган синов намуна дискларидаги бетон ва арматура деформацияларини ҳисобга олган ҳолда ифодалар ишлаб чиқиш;

матоли композит материаллар билан кучайтирилган темирбетон элементларнинг экспериментал маълумотларини ҳисобга олган ҳолда эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасидаги юк кўтарувчанлик хусусиятини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамиз автомобиль йўлларидаги темирбетон кўприк ва йўл ўтказгич тўсинлари қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети темирбетон кўприк тўсинларини ташқи рационал арматуралаш технологияси ва матоли композит материаллар билан кучайтирилган ёрикли темирбетон кўприк тўсинлар кўндаланг кесимининг юк кўтарувчанлиги ва мустаҳкамлигини баҳолаш кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ўлчаш, таққослаш, синов натижаларини қайта ишлашда математик сонли ҳисоблаш усуллари, темирбетон элементларни мустаҳкамлигини баҳолашнинг мавжуд меъёрий ҳужжатлар (ШНҚ 2.05.03–12 –“Кўприклар ва қувурлар”) да келтирилган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш усули матоли композит материал йўналиши, қадами ва ташқи арматуралаш сонини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида қирқилишдаги мустаҳкамлигини баҳолаш учун матоли композит материаллар билан кучайтирилган синов намуна дискларидаги бетон ва арматура деформацияларини ҳисобга олган ҳолда формула таклиф қилинган;

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасидаги тишлашиш кучи ва бўйлама арматуранинг букилиш самарасини ҳисобга олган ҳолда темирбетон элементларининг юк кўтарувчанлигини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

назарий таҳлил ва экспериментал маълумотларни ҳисобга олган ҳолда матоли композит материаллар билан кучайтирилган темирбетон элементлар қия кесими мустаҳкамлигини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари асосида матоли композит материаллар билан кучайтирилган темирбетон элементларнинг қия кесими мустаҳкамлигини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

темирбетон элементларнинг таянч олди участкаларида арматура ва бетон деформацияларини тўлароқ ҳисобга олиш натижасида ҳисоблаш аниқлигини ошади ва натижада бир томондан темирбетон конструкцияларнинг хавфсизлигини таъминлайди, бошқа томондан эса ҚМҚ услублари заҳира томонга яқинлашиш берадиган жойда материаллар сарфини камайириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар бетон ва темирбетонларнинг фундаментал қонун ва қоидаларига асосланганлиги, тажрибавий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан

фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, мавжуд темирбетон элементларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш ва уни таҳлил қилиш, математик моделлаштириш қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажрибалар натижаларига математик сонли ҳисоблаш усуллари билан ишлов берилганлиги ҳамда тажриба ва ҳисоб маълумотларининг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўзаро мослиги, синов намуна – дискларида синовлар ўтказилиб, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш усули ишлаб чиқилганлиги, назарий тадқиқотлар экспериментал тадқиқот натижалари билан асосланганлиги, эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида қирқилишдаги мустаҳкамлигини баҳолаш учун матоли композит материаллар билан кучайтирилган синов намуна – дискларидаги бетон ва арматура деформацияларини ҳисобга олган ҳолда ифодалар таклиф қилинганлиги, эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасидаги тишлашиш кучи ва бўйлама арматуранинг букилиш самарасини эътиборга олиб, темирбетон элементларнинг юк кўтарувчанлик хусусиятини экспериментал маълумотлар асосида ҳисоблаш усули такомиллаштирилганлиги билан характерланади;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш усули Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасига қарашли “Автомобиль йўллари илмий–тадқиқот институти” да ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасининг 2020 йил 3 июндаги 02/1922–1979–сон маълумотномаси). Илмий–тадқиқот натижасида, эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида темирбетон элементларни матоли композит материаллар билан кучайтириш имкони яратилган;

эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасида қирқилишдаги мустаҳкамлигини баҳолаш учун матоли композит материаллар билан кучайтирилган синов намуна–дискларида бетон ва арматура деформациялари бўйича тажриба–назарий тадқиқотларнинг маълумотлари автомобиль йўллари темирбетон кўприклари тўсинларини кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасига қарашли “Автомобиль йўллари илмий–тадқиқот институти” да ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасининг 2020 йил 3 июндаги 02/1922–1979–сон маълумотномаси). Илмий–тадқиқот натижасида, темирбетон элементларнинг таянч олди участкаларида арматура ва бетон

деформацияларини тўлароқ ҳисобга олиб, тажрибада олинган маълумотлар натижасида ҳисоблаш аниқлигини ошириш имконини берган.

Эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасидаги тишлашиш кучи ва бўйлама арматуранинг самарасини эътиборга олиб, темирбетон элементларнинг юк кўтарувчанлик хусусиятини экспериментал маълумотлар асосида такомиллаштирилган ҳисоблаш усули Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасига қарашли “Автомобиль йўллари илмий – тадқиқот институти” да ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасининг 2020 йил 3 июндаги 02/1922–1979–сон маълумотномаси). Илмий–тадқиқот натижасида, темирбетон конструкцияларнинг хавфсизлигини таъминланади, ҳамда мавжуд мустаҳкамликка ҳисоблаш усули заҳира томонга яқинлашиш берадиган жойда материаллар сарфини камайтириш имконини берган.

Назарий таҳлил ва экспериментал маълумотларни эътиборга олиб матоли композит материаллар билан кучайтирилган темирбетон элементлар қия кесими мустаҳкамлигини ҳисоблаш усули Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасига қарашли “Автомобиль йўллари илмий–тадқиқот институти” да ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари кўмитасининг 2020 йил 3 июндаги 02/1922–1979–сон маълумотномаси). Илмий – тадқиқот натижасида, ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари асосида матоли композит материаллар билан кучайтирилган темирбетон элементларнинг қия кесими мустаҳкамлигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация тадқиқот натижалари халқаро ва республика миқёсидаги 6 та илмий, илмий–техник анжуман ва семинарларда, жумладан 3 та халқаро анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Эгувчи момент ва кўндаланг куч биргаликда таъсир этувчи зонада кучайтирилмаган ва кучайтирилган эгилувчан ва ёриқлари бўлган темирбетон элементларнинг мустаҳкамлигини баҳолашда мавжуд усуллар таҳлили» деб номланган биринчи бобида кўприк иншоотлар конструкцияларини лойиҳалашда тадқиқот қилинадиган масаланинг муҳимлиги ёритилган ва иншоотлар темирбетон конструкцияларини кучайтиришнинг асосий муаммолари баён ва таҳлил қилинган.

Эгувчи момент ва кўндаланг кучларнинг биргаликдаги таъсири зонасидаги бетон ва арматура кучланиш – деформацияланиш ҳолатининг характери тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас, элементлар мустаҳкамлигининг бўйлама ва кўндаланг арматура тури ва сонига боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Буларнинг барчаси масалани ечишда катта қийинчиликлар туғдиради ва ҳисоблашнинг тахминий усулларини қўллашга мажбур этади, бу темирбетон конструкцияларда материалларнинг ортиқча сарфлашга, кўп ҳолларда эса, уларнинг ишончлиги етарли эмас.

Темирбетон конструкцияларини кучайтириш кўлами ҳар йили тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бунда асосий масалалардан бири, шу жумладан иншоотларни реконструкция қилишда тўлалигича ёки қисман сақланадиган, уларнинг узок муддатли иш қобилиятини таъминлаш ҳисобланади. Конструкцияларнинг узок муддат хизмат қилиши ва уларнинг ноқулай экологик шароитда эксплуатация қилиниши шунга олиб келдики, темирбетон конструкцияларнинг эскириши ва ишдан чиқиши қурилиш тармоғининг жиддий муаммосига айланди. Масалани ечиш, уларнинг реабилитацияси (яъни кучайтириш, таъмирлаш ёки тиклаш)ни ўз ичига олади, бунда конструкцияларнинг юк кўтарувчанлик қобилиятини ошириш назарда тутилади.



Мавжуд темирбетон кўприкларни ёриқли эгулувчи темирбетон элементларининг кўндаланг куч таъсир қиладиган зонасидаги мустаҳкамлигини баҳолаш ва кучайтиришнинг мавжуд услублари таҳлили ўтказилган. Мазкур бобда оддий ва матоли композит материаллар (МКМ) билан ташқи арматуралаш ёрдамида кучайтирилган темирбетон намуналарда ёриқлар орқали тишлашиш кучланишларининг узатилиш механизми таҳлил қилинган, эгулувчан темирбетон элементлар юк кўтарувчанлик хусусиятига ташқи арматуралашнинг қўшган сонли улуши баҳоланган, муаммолар ва тадқиқот мақсади шакллантирилган.

Диссертациянинг «Тажриба намуналарида ёриқлар қирғоқларини силжишида бир–бири билан бевосита ўзаро таъсирини экспериментал тадқиқоти усули» деб номланган иккинчи бобида темирбетон элементлардаги ёриқлар устидан силжишнинг ўтиш механизмини экспериментал тадқиқотларини бажариш жараёнида жуда катта эътибор энг муҳим таъсир этувчи омиллар: бетон мустаҳкамлиги, ёриқ кенглиги, ёриқ

текислиги, нормал кучланишининг катталиги кабиларга қаратилди.

Бир томондан уринма ва нормал кучланишлар орасидаги боғланишни, иккинчи томондан улкан ёриқларни тегишли ўзаро кўчишларини аниқлаш мақсадида, шакли, ўлчамлари ва тавсифлари 1–расмда келтирилган махсус дисксимон намуналарда силжишга қарши устиворлиги бўйича экспериментал тадқиқотлар бажарилди. Ёриқлари мавжуд бўлган темирбетоннинг силжиш бикирлиги параметрларини аниқлаш мақсадида кенг тарқалган махсус дисксимон намуналар тайёрланди. Кесилиш тажрибаси учун тайёрланган махсус дисксимон намуналарнинг умумий кўриниши 1–расмда берилган

Ҳар бир серия таркибида бир хил геометрик ўлчамдаги намуналарнинг учта носерияси яратилди (1–жадвал).



1–расм.
Умумий кўриниш,
тажриба махсус
дисксимон
намуналарини
арматуралаш ва
кесилишга синаш
схемаси:
а) кўндаланг
арматураланган
намуналар учун;
б) шунинг ўзи
кўндаланг
стерженларсиз

Махсус дисксимон намуналарни кесилиш текислигини арматуралаш учун, диаметри 8 мм, чегаравий оқувчанлиги 334 МПа ҳамда вақтинча қаршилиги 423 МПа бўлган А–I класс арматурасидан фойдаланилди. Арматуранинг эластиклик модули $E_s = 2,1 \times 10^5$ МПа тенг эди. А–I класс арматура учун $\sigma_{вр}$ да нисбий узайиши $\epsilon = 21\%$, А–III класс арматураси учун эса 19% тенг бўлди.

Биринчи серия намуналарида ёриқ текислигини кесиб ўтган арматуралар бор эди. Шу сериядаги кўндаланг арматура тури ва сонини намунанинг силжиш бикирлигига таъсири ўрганилди. Худди аввалги сериялардагидек, намуна чизикли юк таъсирида бўлиниб кетди. Намуна гидравлик прессга қўйилиб, ҳосил қилинган ёриқ текислиги бўйлаб поғонама–поғона шарнирлар орқали юк берилди.

Келтирилган намуналар махсус конструкцияга эга металл қолипларда тайёрланди. Ҳар бир намунанинг иккала томонида бетонлаш жараёнида чуқурлиги 15 мм ариқчалар қолдирилган. Бу ариқчаларга думалок металл стерженлар ўрнатилган ва стерженлар орқали чизикли юк берилиб

синдирилган. Сўнг намунанинг иккала бўлаги, махсус ясалган металл рамада ёриқнинг дастлабки кенглиги ўлчамини сақлаган ҳолда, металл ёрдамида тортилади ва қийматлар олинади. Барча тажриба намуналаручун армутиранинг механик тавсифлари 2–жадвалда келтирилди.

Намуналарнинг иккинчи серияси 1–расмда келтирилган схемага мувофиқ гидравлик прессда синалди. Бўлиниб кетганидан сўнг, намуналар бўлаклари пўлат стерженли икки жуфт тягалар билан бириктирилиб, гидравлик прессга жойлаштирилди. Сўнг тягалар олиб ташланди ва юк намунага поғоналаб қўйиб борилди ва кўчишларни ўлчаб олиш учун ҳар бир поғонада маълум вақт куч ушлаб турилди. Одатда, намуналар бўлакланиб кетганда, ёриқлар 0,5 мм дан ортиқ кенгаймади. 0,25 мм бўлганда эса намунанинг икки бўлаги бир–бирдан ажралмади, яъни ёриқнинг фақат бир томони очик эди.

1–жадвал

Кесилишга тажриба ўтказиладиган махсус дисксимон намуналарнинг характеристикалари

Намуна сериялари	Намуна дискларнинг белгиланиши	Бетоннинг мустаҳкамлиги, МПа	Арматураларнинг сони ва синфи	Ўлчами, см	Ёриқнинг бошланғич очилиш кенглиги, мм
биринчи	ОД–I–1	17,5	4D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–I–2	17,5	3D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–I–3	17,5	2D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–II–1	26,5	3D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–II–2	17,5	3D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–II–3	11,2	3D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–III–1	26,3	3D8 A–I	76x30x15	–
	ОД–III–2	26,3	3D8 A–II	76x30x15	–
иккинчи	ОД–IV–1	26,3	–	76x30x15	0.19
	ОД–IV–2	26,3	–	76x30x15	0.27
	ОД–IV–3	26,3	–	76x30x15	0.41
	ОД–IV–4	17,5	–	76x30x15	0.20
	ОД–IV–5	17,5	–	76x30x15	0.29
	ОД–IV–6	17,5	–	76x30x15	0.41

2–жадвал

Барча махсус дисксимон намуналар учун армутиранинг механик характеристикалари

№	Арматура синфи, диам., мм	Кесилиш юзаси, см ²	Чегаравий оқувчанлиги, МПа	Вактинча қаршилиги, МПа	Эластиклик модули, МПа
1	2	3	4	5	6
1	D8A–I	0,506	342	432,9	2,07
2	D8A–II	0,500	418	564,8	1,96
3	D8A–III	0,500	418	564,8	1,96


Иккинчи серия намуналари бўлакланиб, гидравлик прессга ўрнатилган махсус рамага жойлаштирилди. Бу ёриқларни дастлабки очилиш кенглигини тягаларда ва рамада болтлар ёрдамида бошқариб туриш мумкин эди. Пўлат

тягаларга базиси 20мм қоғозли тензорезисторлар ёпиштирилди. Тягалар диаметри 15мм, пўлатнинг эластиклик модули 200 кН/мм тенг бўлган. Тягалардаги деформацияларни ўлчаниши ҳар бир юк бериш қадамида тягалардаги кучларнинг ўсиб бориш миқдорини аниқлашга имкон яратди. Бу эса ёриқ текислигига нормаллар кучланишининг катталигини баҳолашга имкон берди. Шу билан бирга ёриқ бўйлаб ёпиштирилган бутсимон жуфтлари бўйича ёриқлардаги уринма кучланишлар ва ўзаро силжишлар аниқлаб борилди.

Ёриқнинг иккала юзасини бир-бирига нисбатан силжишида улар бир-бирига илашиб қолади. Юк ошган сари, юзалар айрим умумий нукталарда бир-бирига ботиб кетади. Одатда, ёриқ қирраларини бир-бири билан ҳақиқий тутатиш майдони ўн, гоҳида юз маротабалаб ёриқ сиртининг ҳақиқий майдонидан кичик бўлади.


Матоли композит материаллар билан кучайтирилган махсус дисксимон намуналарни тавсифи ва уларни тайёрлаш. Изланишларнинг асосий мақсади ташқи сиртигарационал ўрнатилган матоли композит материаллар (МКМ) ёрдамида кучайтирилган махсус дисксимон намуналарни қирқилишга қаршилигини экспериментал–назарий нуктаи назардан ўрганиш эди. Изланишлар махсус дисксимон намуналарни тоза силжишини ўрганишга бағишланган. Ўзгарувчан параметрлар сифатида бўйлама ва кўндаланг арматуралашнинг ҳар хил миқдорлари, йўналиши, МКМ қадами ҳамда ташқи тасмали арматуралаш сони қабул қилинди.

Материалларни тайёрланиши. Тажриба махсус дисксимон намуналарнинг таснифи, умумий кўриниши ва кўндаланг кесими 2,3–расмларда келтирилган. Тўққизта махсус дисксимон намуналар синовдан ўтказилди (2–расм). Улар РО, Р ва РF деб номланган ва ҳар бирида учтадан намуна бўлган учта серияга жамлаб олинди.



2–расм. Тажриба махсус дисксимон намуналарнинг таснифи

PO серия намуналарида сижшиш текислигини кесиб ўтувчи кўндаланг жойлашган арматура жойлаштирилмаган, P ва PF серия намуналари эса кесилиш текислигини кесиб ўтувчи ички кўндаланг пўлат арматура билан бир хилда арматураланган. P серия намуналари P1, P2 ва P3 деб белгиланди. PF1, PF2 ва PF3 деб белгиланган PF серия намуналари ташқи қисмидан МКМ тасмалари билан қўшимча кучайтирилган (3–расм).




3–расм.
(а) – PO; (б) – P ва PF серия
махсус дисксимон тажриба
намуналарининг умумий
кўриниши ва кўндаланг
кесими

Арматура ва деталлар хусусиятлари. Пўлат арматураларнинг барча намуналари бир ўк бўйлаб чўзишда синовдан ўтказилди. 4 ва 5–расмларда арматуралаш схемаси ҳамда P ва PF серияга оид махсус дисксимон намуналарнинг кўндаланг кесимлари ўлчамлари кўрсатилган.


Махсус дисксимон намуналар PO, P ва PF деб белгиланган учта серияга бўлинди. Ҳар бир серия учта намунадан иборат. PO серияси кўндаланг арматураланмаган (4а–расм). P серияда учта P1, P2 ва P3 намуна бўлиб, улар кесилиш текислигига перпендикуляр йўналишда $\mu = 2, 4$ ва 6 бўлган пўлат стержен (хомутлар) билан арматураланган. PF серияси худди P серияга ўхшаб арматураланган ҳамда PF1, PF2 ва PF3 деб белгиланган. P ва PF серияларни кўндаланг арматуралаш учун юмшоқ пўлатдан фойдаланилди. 4 ва 5–расмларда кесилиш текислигига кўндаланг арматураланган махсус дисксимон намуналар кўрсатилган.

Мазкур тадқиқот ишида ички арматуралаш тизимига ташқи қўшимча сифатида икки хил асосий композит: эпоксид катрон ва Sika Wrap160C савдо русумидаги ($0^\circ/90^\circ$) углепластик толали материал (УПТМ) мато листларидан ташкил топган арматураловчи композитдан фойдаланилди. Бунда икки композитли тизим ёрдамида тола листлари бетон сиртига эпоксид катрон билан ёпиштирилади. Эпоксид катрон хусусиятлари ишлаб чиқарувчи қўлланмасига кўра қуйидагича: елимнинг адгезив мустаҳкамлиги – 4 МПа; чекли мустаҳкамлиги – 30 МПа; эластиклик модули – $3,8$ МПа. Айни тадқиқот ишида қўлланилган углепластик толали материалли шаклида бўлиб, уларда толалар икки ўзаро перпендикуляр йўналишларда жойлаштирилган. Қалинлиги $0,9$ мм бўлган УПТМ листлари кенлиги $0,6$ м, узунлиги 5 м, толалари ўзаро перпендикуляр ($0^\circ/90^\circ$) жойлаштирилган рулонларда келтирилди. Ишлаб чиқарувчининг қўлланмасига мувофиқ углепластик толадан ишланган мато учун мустаҳкамлик чегараси ва


эластиклик модули қийматлари тегишлича 3,800 МПа ва 230,000 МПа тенг.



4-расм.
Кўндаланг
арматураланмаган ва
арматураланган махсус
дисксимонтажриба
намуналар схемаси
 (а) – PO серия, (б)–P1
 ва PF1 серия



5-расм.
Махсус дисксимон
тажриба намуналарни
кўндаланг арматуралаш
схемаси
 а)–P2 ва PF2, б)–P3 ва PF3




6-расм.
PF1, PF2 ва PF3
намуналарни МКМ
листлар ёрдамида
кучайтириш
(йўналтирилиши
0°/90°)

PF серия дисксимон тажриба намуналари иккала томонидан ҳам МКМ билан кучайтирилди. МКМ листлари намунанинг бир томонга кесилиш текислигига нисбатан 0°/90° бурчак остида йўналтирилди (6-расм). P серия намуналари назорат (МКМ листлар билан ўраб кучайтирилмаган) намуналар

сифатида ишлатилди. Ички арматуралаш худди қолган иккита сериядаги каби амалга оширилган (6–расм).

P ва PF серияли намуналарда кесилиш текислигини перпендикуляр йўналишда кесиб ўтувчи пўлат хомутларнинг ички деформациясини ўлчаш учун, ўлчаш базаси 10 мм тензорезисторлардан фойдаланилди. P, P1 ва P2 гуруҳларнинг намуналарида датчикларни жойланиш схемаси тегишли тарзда 7–расмда кўрсатилди.



7–расм. Тензорезисторлар ва реперларни P1, PF1, P2, PF2, P3 ва PF3 серияли махсус намуналарда жойлаштириш схемаси

P сериянинг барча намуналари синашдан олдин кесилиш текислиги бўйича ёрилган эди. Намуна 8–расмда кўрсатилганидек, гидравлик пресс тагига горизонтал ҳолатда ўрнатилган. Юқори ва пастдаги пазларга ёрилиш оқибатида кесилиш текислигида ёриқларни ҳосил бўлишига қадар чизикли юк билан юклантириш учун пўлат стерженлар ўрнатилди. Намуналар вертикал таъсир этувчи юк остида горизонтал йўналиш бўйича уларнинг устки ва пастки қисмини эркин ҳаракатланишига имкон яратувчи роликларга таянади. 9 – расмда кўрсатилганидек, юк намунага кесилиш текислиги бўйлаб қўйилди.



8–расм. Кесилиш текислиги бўйича чизикли ёрувчи юк берилган махсус қурилма



9–расм. Кесилишда дисксимон намуналарни синаш учун мўлжалланган экспериментал қурилма

Ташқи юк бузилиш содир бўлгунга қадар ошириб борилди. Юкнинг ҳар бир кўтарилиш поғонасида кесилиш текислигига кўндаланг ва бўйлама йўналишлар бўйича реперлар ёрдамида силжишлар 0,001 мм аниқликкача

аниқланди.

P1 ва PF1 намуналари. P1 ва PF1 намуналарида ички кўндаланг арматуралаш (пўлат хомутлар) фоизи бир хил – $\rho = 0.14\%$, кесилиш текислиги майдони $120 \times 340 = 40800 \text{ мм}^2$ бўлган. Хомутларга иккитадан тензодатчиклар (S1 ва S2) ўрнатилган эди. Махсус намуна P1 учун бузувчи юк 85,50 кН ташкил этди, унинг тегишли кучланиши ва кўчиш силжиши билан перпендикуляр йўналишдаги силжиши (ёки ёриқларни кенгайиш миқдори) тегишли тарзда 2,09 МПа, 0,63мм, ва 1,68мм тенг бўлди. Бузувчи юк таъсирида бузувчи юкда S1 тензодатчикда қайд этилган хомутдаги энг катта деформация 3052 $\mu\text{ε}$ тенг эди. Бузилиш кесилиш текислиги бўйлаб содир бўлди (10–расм). Олд ва орқа сиртида МКМ листлари билан кучайтирилган махсус PF1 намунасида ички хомутлар худди P1 намунадагидек эди. Бу намуна, максимал юк 131,82 кН бўлганда, МКМ листлари узилган ҳолда сурилиш текислиги бўйлаб бузилди (11–расм). Кучланиш ва сурилишни силжиши, ҳамда нормал силжиш (ёриқларни очилиш кенглиги) чекли босқичда тегишлича 3,23 МПа, 0,71 мм ва 1,98 мм тенг бўлган. Махсус PF1 намунада сурилиш кучланиши P1 кучайтирилмаган намунага нисбатан 54,18 % ошди.

P2 ва PF2 намуналар. P2 ва PF2 намуналарнинг S1, S2 ва S3 нуқталарида учта тензодатчик ўрнатилган, ички кўндаланг арматуралаш сони P1 ёки PF1 намуналарга нисбатан икки баробар ортиқ, кесилиш текислиги майдони эса бир хил эди. P2 намуна 135,38 кН юк таъсирида, тегишлича энг катта кўчиш кучланиш 3,30 МПа да бузилди. Бунда кўчиш ва нормал бўйича силжишлар тегишлича 0,24 ва 0,48 мм тенг бўлди. Бузилишдан олдин кесилиш текислигининг қуйи зонасида бетонни кўп жойларида ёрилишлар содир бўлди. Кучайтирилган ва кучайтирилмаган махсус дисксимон намуналарда олиб борилган экспериментлар натижалари 3–жадвалда келтирилган. Кучайтирилган PF2 намуна PF1 намунага ўхшаб 167,45 кН (сурилиш кучланиши 4,10 МПа мос келадиган) юк таъсири остида МКМ матолари кесилиш текислиги бўйлаб узилган ҳолда бузилиши кузатилди. Бузилишга олиб келадиган юкланишгача энг катта сурилиш ва нормал силжишлар тегишлича 1,06 ва 4,39 мм тенг бўлди. P2 намунага нисбатан сурилиш кучланишлари 23,68% ошди.

P3 ва PF3 намуналар. P3 ва PF3 намуналарни ички кўндаланг арматураш миқдори P1 нисбатан уч баробар ортиқ бўлган, PF3 намунанинг ташқи кучайтирилиши эса худди PF1 ва PF2 намуналарида бўлгани каби эди. Тўртта тензодатчиклар S1, S2, S3 ва S4 нуқталарда хомутларга ўрнатилди. Кесилиш текислиги (120 x 340 мм) бўйича юкланиш худди P1, P2, PF1 ва PF2 намуналар юкланишидек амалга оширилди. Намуна P3 ташқи 213,87 кН юкланишда ва кўчиш кучланиши 5,24 МПа бўлганда бузилди. Ички кўндаланг арматуралаш сони ошган сари бузувчи юкланиш ҳам ошиб борди. Чекли кўчиш ва нормал силжишлар тегишлича 0,71 ва 1,92 мм тенг бўлди. Барча кучайтирилмаган P1, P2 ва P3 намуналар кўчиш текислиги бўйича бузилиб кетган. Кучайтирилган PF3 намуна 228,02 кН юк таъсирида ва тегишли 5,58 МПа кўчиш кучланишида бузилди ва бу кучайтирилмаган P3

намунага нисбатан мустаҳкамликни 6,62 % ортишига олиб келди. PF3 намуна орқа томонидаги МКМ листлари узилиши билан (12 ва 13–расмлар) ёки МКМ тасмалари кўчиб кетиши билан (13–расм) бузилди.



10–расм. P1 кучайтирилмаган намунанинг кесилиш текислиги бўйича бузилиши



11 –расм. Махсус намунанинг бузилиши ва PF1 нинг кесилиш текислиги бўйича МКМ узилиши



12–расм. МКМ ёрдамида ташқи арматураланган махсус PF3 намуна бетони сиртидан МКМ листини қатламлаб кўчиши (олд томони)



13 –расм. махсус PF3 намуна бетонининг сиртидан МКМлистини қатламлаб кўчиши (орқа томони)

3–жадвал


Кучайтирилган ва кучайтирилмаган махсус дисксимон намуналарда ўтказилган синов натижалари

Синов намуна лари	Пўлат хомут арматураси сони ва диаметри	ρ (%)	Бузувчи куч, (кН)	Қирқилиш-даги кучланиш, (МПа)	МКМ қатлам улуши, (кН)	Мустаҳкам-ликнинг ошиш микдори, (%)
P1	2 Ø 6мм	0,14	85,50	2,09	—	—
PF1	2 Ø 6мм	0,14	131,82	3,23	46,32	54,17
P2	4 Ø 6мм	0,28	135,38	3,30	—	—
PF2	4 Ø 6мм	0,28	167,45	4,10	32,07	23,68
P3	6 Ø 6мм	0,42	213,87	5,24	—	—
PF3	6 Ø 6мм	0,42	228,02	5,58	14,15	6,62


Диссертациянинг «Дисксимон тажриба намуналаридаги ёриклар қирғоқларини силжиш вақтида контактли ўзаро таъсири» деб номланган учинчи бобида кучайтирилмаган ва кучайтирилган дисксимон махсус намуналарда силжиш вақтида ёриклар қирғоқларининг контактли ўзаро таъсирини экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилди.

Матоли композит материаллари билан кучайтирилган махсус дисксимон намуналарда ёриклар қирғоқларини сурилиш вақтида контактли ўзаротаъсирини экспериментал тадқиқотлари 14, 15 ва 16-расмларда кучайтирилган ва кучайтирилмаган махсус дисксимон намуналарни экспериментал синов натижаларига мувофиқ « τ - δ », « τ - a » ва « τ - ϵ » эгри чизиқлар тасвирланган.


Натижалар кучайтирилган махсус дисксимон намуналарда юкни ҳар бир ошириш босқичида сурилишни кўрсаткичи кучайтирилмаган намуналарга нисбатан анча кичик эканлигини кўрсатди.



14-расм. P ва PF сериялар учун « τ - δ » боғланиш графиги



15-расм. P ва PF сериялар учун « τ - a » боғланиш графиги



